



**SAMARQAND VILOYATI ICHKI ISHLAR BOSHQARMASI
PAHTACHI TUMANI ICHKI ISHLAR BOLIMI**

Pahtachitumani, Ziyovuddinshahri, Istiqlolko'chasi-7.

**Пахтачи тумани Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати
хавфсизлиги гуруҳ катта инспектори М.Б.Хужаяровнинг
Пахтачи туманида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини
олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга
оширалаётган ишлар юзасидан
ҲИСОБОТИ**

**Ассалому алайкум Ҳурматли Музаффар Хамдамов! Ҳурматли
Депутатлар, сессия иштирокчилари!**

Ижозатларингиз билан қисқача Пахтачи тумани ҳудудида йўл
ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган
ишлар хусусида тўхталиб ўтсам.

Туман ҳудудидаги жами автомобиль йўллари узунлиги 922 км,
шундан халқаро аҳамиятдаги йўллар узунлиги 30 км (М-37= 117-
147 км),

-давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллар узунлиги 61 км,
-маҳаллий аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўллар узунлиги
132 км.ни ташкил этади.

Туманда 47 та ўрта таълим мактаби, 1 та коллеж, 2 та касб ҳунар
мактаби, 42 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатиб
келмоқда.

Шундан, 2 та ўрта таълим мактаби ва 2 та касб ҳунар
мактаблари туман ҳудудидан ўтувчи халқаро аҳамиятдаги М-37
автомобиль йўли ҳамда

45 та мактаб давлат ва маҳаллий аҳамиятидаги йўллар бўйида
жойлашган.

Бугунги кунда, туман бўйича жами 14199 та транспорт
воситалари рўйхатга олинган.

(Шундан, 12155 та энгил, 863 та юк, 80 та автобус ва 925 та мототранспорт).

Хурматли учрашув иштирокчилари, туман ҳудудида содир этилган йўл - транспорт ҳодисалари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсам.

Ўтган 2023 йил 07 ой давомида туман ҳудудида жами

- 32 та йўл-транспорт ҳодисалари (2022 й 27 та, 5 тага кўпайган,)

-19 нафари тан жароҳати олган шахслар (2022 й 18 та, 1 тага кўпайган,)

ва 13-нафар шахслар ҳалок бўлган (2022 й 8 та, 5 тага ошган).

Содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг

- 7 таси болалар иштирокида (2022 й 2 та, 5 тага ошган) содир этилган.

Улар оқибатида

2023- йилда тан жароҳати билан боғлиқ 6 та

Болалар иштирокидаги йўл транспорт ҳодисаларининг ёшига қараб таҳлил қилинганда:

- 01-07 ёшгача болалар иштирокида 2 та (2022 йилда 2 та, 0 та), содир этилган.

Улар оқибатида

-1 нафар болалар ҳалок бўлган (2022 йилда 3 та, 1 тага кўпайган,)

Йўл - транспорт ҳодисалари ўртача 100.000 нафар аҳоли сонига нисбатан 14,5 тадан тўғри келмоқда.

Содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг йўллар бўйича таҳлилига кўра,

Халқаро аҳамиятга эга йўлларда:

- 19 та (2022 йилда 22 та, 4 та,) та ошган.

Улар оқибатида 8 таси ҳалок бўлган

- 11 нафари тан жароҳати олган (2022 й 6 та, 5 та ошган,).

Давлат аҳамиятга эга йўлларда:

- 11 та (2022 йилда 2 та,).
Улар оқибатида 4 та халок бўлган
- 7 нафари тан жароҳати олган (2022 й 2 та).

Маҳаллий ахамиятга эга йўлларда:

- 2 та (2022 йилда 1 та, 1 тага ошган)
Улар оқибатида
- 1 нафар халок бўлган (2022 й 1 та)
- 1 нафари тан жароҳати олган (2022 й 2 та, 1 тага камайган).

Шунингдек, ушбу йўл транспорт ходисаларининг 15 таси бошқа вилоятларга тегишли бўлиб, 10 таси турли хилдаги тан жароҳатлари олган. Қолган 17 таси Пахтачи тумани ва бошқа туманларда яшовчи ҳайдовчилар томонидан содир этилган бўлиб, улар оқибатида Пахтачи туман аҳолисининг 8 нафари халок бўлиб, қолганлари турли хилдаги тан жароҳатлари олган.

Пахтачи туманида йўл транспорт ходисаларини олдини олиш мақсадида жорий йилнинг 7 ой давомида тумanning бир қатор маҳаллаларида, Самарқанд вилояти ИИБ ЖХХ ЙҲХБ 4-отряд ЙПХ ходимлари ва Пахтачи туман ИИБ ЖХХ ЙХХГ ходимлари билан РЕЙД тадбирлари ўтказлиб, тадбир давомида жами 3563 та мамурий баённомалар расмийлаштирилган бўлиб;

- 202 нафар ҳайдовчилар светафорнинг тақиқловчи чироғига буйсинмасдан ҳаракатланганлиги аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 128-моддаси 203-қисми билан;

25 нафар хавфсизлик камаридан фойдаланмасдан ҳаракатланган ҳайдовчилар аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 125-моддаси 1-қисми билан;

150 нафар ҳайдовчилар йўл белгиларига амал қилмаганлиги учун уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 128-моддаси 1-қисми билан;

319 нафар ҳайдовчилар қўвиб ўтиш қоидаларини бўзганлиги учун уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 128-моддаси 1-қисми билан;

152 нафар ҳайдовчилар фойдаланиши ман этилган даражада носозлиги бўлган транспорт воситаларини бошқарганлиги учун уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 125-моддаси 2-қисми билан;

134 нафар одам ташиш қоидаларига риоя қилмасдан ҳаракатланган ҳайдовчилар аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 128-моддаси 2-қисми билан;

174 нафар тегишли ҳужжатларсиз транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчилар аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 135-моддаси 1-қисми билан;

71 нафар маст ҳолда транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчилар аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 131-моддаси 1-қисми билан;

23 нафар Тегишли рухсатномасиз транспорт воситасини қайта жихозлаган ҳайдовчилар аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 125-моддаси 2-қисми билан;

41 нафар Мажбурий суғурта полисисиз транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчилар аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 135-моддаси 1-1-қисми билан;

8 нафар ИИБ ходимларининг қонуний талабларини бажармаган ҳайдовчилар аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 194-моддаси 1-қисми билан маъмурий баённомалар расмийлаштирилган.

-Шундан **2 нафар** мансабдор шахсларга нисбатан мамурий чоралар кўрилган.

-Жами **299** та транспорт воситалари вақтинчалик жарима майдонига қўйилган ва қолган **237** таси турли хилдаги маъмурий баённомаларга ташкил қилади.

**Пахтачи туманида ИИБ ЖХХ ЙҲХГ ходимлари
томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилиб
келинмоқда.**

Пахтачи тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига **60** та туман Ободонлаштириш бошқармасига **55** та тақдимномалар ва ёзма кўрсатмалар, ҳамда туман Хокимлигига **2** та таклифлар киритилган. Халқ таълими ва мактабларга **50** та ёзма кўрсатма ва **17** та тақдимномалар киритилган.

Бундан ташқари **36** та мактаб ва касб-ҳунар мактабларида, ҳамда маҳаллаларда **40** та ЙТХни олдини олиш бўйича йиғилишлар ўтказилиб келинмоқда ва ижтимоий тармоқлар, телевидения ва газеталарда кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Пахтачи туманидаги М-37 автомобиль йўлининг **129** кмга кнопкали светофор ўрнатилган, **133-134** кмлари оралиғига тунги

ёритиш чироқлари қуйилган, Пахтачи туманидан ўтувчи М-37 автомобиль йўлининг 117-147 кмлари ҳамда давлат аҳамиятдаги йўлларга 432 дона эскирган йўл белгилари янгисига алмаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сонли Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори талаблари асосида туман ҳудудида йўл инфратузилмаси бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилиши таъминланса туманимиз ҳудудида йўл транспорт ходисалари кескин камайишига эришган бўлардик:

Пахтачи туман ҳудудида Йўл транспорт ходисаларини содир этилишини олдини олиш бўйича

ТАКЛИФЛАР

-Пахтачи тумандан ҳудудидан ўтган “Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши” М-37 автомобиль йўлида 4 та йўл транспорт ходисалари учоғи таҳлилларимизга кўра мавжуд бўлиб,

1. М-37 а/й.нинг 121-123 кмлари оралиғи бўлиб, ушбу жойларга тезликни ўлчаш қурилмасини ўрнатиш, 2 км тунги ёритиш чироқларини ўрнатиш.

2. Иккинчи хавфли ҳудудимизга М-37 а/й.нинг 129-131 кмлари оралиғига тезликни ўлчаш қурилмаси ўрнатиш, ҳамда шовқин чизиқларини чизиш.

3. Учинчи хавфли ҳудудимизга М-37 а/й.нинг 134-137 кмлари оралиғига тезликни ўлчаш қурилмаси ўрнатиш, ҳамда шовқин чизиқларини чизиш.

4. Тўртинчи хавфли ҳудудимизга М-37 а/й.нинг 139-144 кмлари оралиғига тунги ёритиш чироқлари, тезликни ўлчаш қурилмаси ўрнатиш, 121-сонли умумтаълим мактаби ўқувчиларининг халқаро йўлдан кесиб ўтганлиги сабабли 139 км.да замонавий кнопкали светофор ўрнатилиши, ҳамда Султонобод бозори бўлганлиги сабабли ва халқаро йўлда тирбандликлар кўплиги сабабли 143-144 км.ларига темир тўсиклар ўрнатиш.

-Пахтачи тумандан ҳудудидаги (Гулистон ва Тадбиркор МФЙлари) йўлларда 4К560 ва 4р-185 йўллари кесишган чорраҳасида 1 йилда ўлим билан боғлиқ йўл транспорт ходисаси 3 тадан ортиқ бўлганлиги, қатнов кўплиги сабабли тан жароҳати ва моддий зарар

билан боғлиқ тўқнашувлар кўплиги сабабли светофор ўрнатиш ва камералаштиришга таклиф қиламан.

Пахтачи туманидаги барча Мактабгача таълим ва мактабларга, маҳаллаларга суний тўсик ўрнатиш ҳамда керакли мактабгача таълим ва мактабларга пиёдалар ўтиш йулагини ташкил қилиш бўйича Сизнинг кўрсатмангиз асосида ташкил қилинади.

Туман ҳудуди 922-километрдан иборат бунда 59 та маҳаллалар мавжуд бўлиб транспорт воситаларини сони 14199 мингдан зиёд аҳоли сони эса 156251 (бир юзи эллик олти минг икки юзи эллик бир) мингдан зиёд ушбу йўллар учун 2 нафар ЙҲХГ ходимлари хизмат қилиши бу эса туманда ЙТХларни олдини олишлик учун етарли даражада ишни ташкил этишни имконияти йўқлигини келтириб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шундай экан Пахтачи туман ҳудуди вилоятимиз туманлари ҳудудидаги энг катта ҳудудлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги ПҚ-190-сонли Автомобиль йўлларида инсон ҳавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим ҳолатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорининг 4-банди г) кичик бандида туман (шаҳар) ҳокимликларига ўз ҳудудларидаги автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилади. Махкур дастурий-техник воситалар орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун жарима суммасининг 30 фоизи бевосита туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига йўналтирилади ҳамда ушбу маблағлар йўл ҳаракатини рақамлаштириш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, йўл-партуль хизмати ходимларининг кўшимча штатларини киритишга сарфланади деб белгилаб қўйилганлигидан унумли фойдаланиб маҳаллий бюджетдан кўшимча камида 10 нафар ЙҲХБ ходимлари ажратиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.


-Туманда содир этилган ЙТХларнинг кўпчилик қисми фуқароларнинг йўл четида юриши йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик натижасида содир этилаётганлиги, ушбу ЙТХларни олдини олиш учун маҳаллий, давлат ҳамда халқаро йўлларда ёритиш чироқларининг йўқлиги ва туман ҳудудида умумий йўлларнинг узунлиги 922-км.дан иборат бўлиб пиёдалар учун йўлаклар атига 20-25 километрни ташкил этганлиги боис пиёдалар ёки велосипедчилар ҳаракатланаётганда ҳайдовчиларнинг кечги вақтларда пиёда ёки

велосипедчиларни кўрмай қолиши натижасида ЙТХлар содир этилмоқда. Шуларни ҳисобга олиб маҳаллий, давлат аҳамиятидаги ҳамда халқаро йўлларда пиёдалар ва велосипед йўлаклари ва ёритиш чироқлари кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сўзимни охирида шуни Сизларга айтмоқчиман-ки, аввало ҳамма ўзини асраса оиласини, маҳалласини, туман халқини асраса худо ҳам Сизу-бизни асрайди.

Эътиборингиз учун раҳмат !

Пахтачи тумани ИИБ ЖХХ ЙХХБ
катта инспектори катта лейтенант



М.Б.Хужаяров